

ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
ОСОБЕННОСТИ УЗБЕКСКОГО МУЗЫКАЛЬНОГО ИСКУССТВА
PECULIARITIES OF UZBEK MUSICAL ART

Умрзаков Ислом

ЎзМУ “Ижтимоий фанлар” факультети

3 курс таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада мусиқа ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан муайян мазмунни ифодалаш учун мұхим омил эканлиги очиб берилган. Шу билан бирга мусиқанинг кишиларда жүшқин ҳистойғу уйғотадиган, унинг руҳиятига таъсир этадиган, турли вөкеа ва ходисаларга муносабатни аниқлантирадиган санъат соҳаси сифатида ёритиб берилган Шунингдек, ўзбек мусиқий тараққиётнинг дастлабки босқичларида айрим этнографик гуруұлар фәқат бир овозли мусиқа ясаш шаклларига эга бўлганлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: ижод психологияси, эстетик қонуният, мелодик эшлиши, «Ёввойи Чоргоҳ», «Ёввойи Ушшоқ», «Ёввойи Танавор», ёки «Дайди Танавор», «устоз», «уста», «ҳофиз».

Аннотация: В данной статье раскрывается, что музыка является важным фактором выражения определенного содержания с социально-философской точки зрения. При этом выделяется музыка как область искусства, вызывающая в людях страстные чувства, воздействующая на их психику, определяющая реакцию на различные события и явления. группы имели только одноголосные музенирующие формы.

Ключевые слова: психология творчества, эстетический закон, мелодический слух, «Дикий Чоргоҳ», «Дикий Ушшак», «Дикий Танавор», или «Дайди Танавор», «хозяин», «хозяин», «хафиз».

Abstract: This article reveals that music is an important factor for expressing certain content from a socio-philosophical point of view. At the same time, music is highlighted as an art field that evokes passionate feelings in people, affects their psyche, and determines the reaction to various events and phenomena. Also, it is justified that in the early stages of Uzbek musical development, some ethnographic groups had only one-voice music making forms.

Key words: psychology of creativity, aesthetic law, melodic hearing, “Wild Chorgoh”, “Wild Ushshaq”, “Wild Tanavor”, or “Daydi Tanavor”, “master”, “master”, “hafiz”.

Мусиқа нафакат қатор фанлар предмети, балки инсон дунёси онтологиясини, инсон фаолиятининг турли шаклларини қамраб олган ҳодисадир. Рус файласуфи А.Ф.Лосевнинг фикрича: «мусиқа мантиқ фанининг предметидир»⁴⁶. Шу билан бирга мусиқа санъатнинг бир тури сифатида санъатшунослик ва эстетика фанларининг предмети бўлиб хизмат қиласди. Мусиқа ижод психологияси фанининг ҳам предметидир. Демак мусиқа муаммоларини ижтимоий-маданий ҳодисалар йигиндисида назарий таҳлил қилиш орқали уни фундаментал илмий тадқиқотлар комплексининг предмети экани ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш мумкин. Бу эса маҳсус фан - мусиқа фалсафасини - яъни дунёни мусиқа орқали аниқлаш фанини вужудга келтиради.

Шу билан бирга, мусиқа нола ва оҳангга асосланиши билан эстетик қонуниятга айланади. Л.Турсунова фикрича: «Бу эстетик қонуният мусиқанинг ўзига хос хусусияти бўлиб, улар асосида инсон воқеликни ҳис этади, у билан эстетик муносабатга киришади ва воқеликни бадиий образларда акс эттиради»⁴⁷. Унинг ижтимоий моҳияти, маънавий аҳамияти ҳамда шахс ва жамият камолотидаги ахлоқий-эстетик мазмуни билан боғлиқ масалаларни таҳлил этган ҳолда мусиқанинг бадиий-эстетик идеални шакллантириш, шунингдек, мусиқанинг ижтимоий-маънавий борлиқдаги гўзалликни уйғулаштирувчи, эстетик қадриятларни қарор топтирувчи омил сифатидаги мазмунига эътибор қаратилади.

Мусиқа мавжудлигининг бир хусусияти бу - акустик тўлқинdir, лекин мусиқа фалсафасини қизиқтирадиган масала товушни мусиқага айлантирувчи шартлар қандай бўлишида эканлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, товушнинг мусиқага айланишига унга эҳтиёж борлиги билан аниқланади, чунки у хаётий жараёнларни қайта тиклашга, уларни акс эттиришга йўналади ва хизмат қиласди. Пифагор биринчи бўлиб товушнинг баландлиги торнинг узунлигига боғлиқлигини аниқлади, мусиқадаги интерваллар ва бошқа қонуниятларни рақамлар ёрдамида ифодалаб, шу асосида мусиқани математик фанларга таалукли деб ҳисоблади ва муҳими мусиқани коинот маҳсули деб таърифлаган. Жумладан, А.Шопенгауэр ёзишича: «Афлотун мусиқий пардаларнинг баъзи хусусиятлари орқали инсон руҳиятини тарбиялаш мумкинлигини таъкидлади»⁴⁸.

Адабиётлар таҳлилича, ўзбек мусиқий тараққиётнинг дастлабки босқичларида айрим этнографик гуруҳлар фақат бир овозли мусиқа ясаш

⁴⁶ Лосев А.Ф. Музыка как предмет логики. – М.: 1990. – Б.195-392.

⁴⁷ Турсунова Л. Ёшлар мусиқа маданиятини тадқиқ этишнинг долзарб вазифалари // Международный научный журнал № 11 (100), часть 2 «Новости образования: исследование в XXI веке». 2023. – Б. 657

⁴⁸ Шопенгауэр А. Свобода воли и нравственность. – М.: Республика, 1992. – Б. 214.

шаклларига эга бўлган (масалан, татарлар, мари, бошқирдлар ва бошқа айрим миллат вакиллари. Бироқ, ҳатто назарий жиҳатдан ҳам қарама-қарши ҳодисани, яъни оҳангдор бўлмаган ҳолда гармоник мусиқа ясашни тасаввур қилиб бўлмайди. Шуниси характерлики, у ёки бу асарларда мелодик эшитишга нисбатан ўхшаш ҳолатларнинг тавсифлари йўқ. Мелодик эшитиш онтогенезда осонроқ, иерархик ҳолатда пастроқ бўлиши туфайли гармоник эшитишга нисбатан анча тез, табиий ва ихтиёrsиз ривожланади.

Ўзбек миллий мусиқасининг бир хусусияти гармония бўлиб, ушбу тушунча мусиқани гўзал сайқаллайдиган, товушларнинг эшитилишини янада жозибадор этадиган ноталар йиғиндицидир. Шунингдек, оддий, мусиқага алоқаси бўлмаган инсон гармонияни яққол эшитмаслиги мумкин, аммо, унинг ёқимлилиги барчага бирдек сезилади. Айниқса, бугунги кунда ўзбек мумтоз асарларида ҳам гармониянинг кенг ишлатилиши, ундан миллий куй ва қўшиқларда фойдаланилиши янги оҳанглар билан халқ ичига кириб бораётганини кўришимиз мумкин.

Ўзбек миллий мусиқасининг инсонни даволаш хусусиятига келадиган бўлсак, бугунги замонавий тиббиёт соҳасида ушбу усуслдан кенг фойдаланилади. Ҳатто-ки, шифохоналарда алоҳида мусиқа хоналари ҳам ташкиллаштирилиб, инсонлар даво топишлари йўлга қўйилган. Ушбу тажриба асосан чет эл тажрибаларида кўплаб кузатилади. Шу билан бирга, инсоннинг саломатлигига жиддий зарар келтириб, унда девиант хулқ авторнинг вужудга келишига хизмат қилувчи оҳанглар, жанрлар ҳам йук эмас. Масалан, оғир рок, металл жанрдаги куй ва қўшиқлар агресив характерга эга. Уларни тинглаш оқибатида инсонда салбий драйв пайдо бўлади ва асаблар таранглашади. Натижада, инсоннинг ҳатти-харакатларида бевосита норационал ҳолатлар кузатилади.

Бундан ташқари, мусиқанинг психолигик хусусияти бугунги кунда ҳар қадамда учрайдиган жараён, десак адашмаган бўламиз. Чунки, ОАВлар орқали дунёning исталган бурчакларидан бизга ахборотлар, турли хилдагни материаллар келиб тушади. Булардан бири, диний экстремизм, шафқатсизлик, ёвузлик, қўрқув ва гайриинсоний ғояларни тарғиб этишда фойдаланиладиган пропагандалардир. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, шундай ёт ғояларни илгари сурувчи материалларда ваҳимали, баланд овозли зарбли чолғулар ва агресив характерга эга товушлардан кенг фойдаланилади.

Ўзбек миллий санъатининг энг кенг тарқалган юналишларидан бири мақом ҳисобланади. Хусусан, мақомнинг бошқа мусиқа жанрларидан

ажралиб турадиган асосий белгиси, уларнинг ҳажми катталиги ва кўп қисмлигидадир. С.Б.Муртозова ёзишича: «Шогирдлар шундай катта мусиқий асарларни эшитиш ва қўриш орқали эслаб қолишлари лозим бўлиб, бунинг учун жуда катта қобилият талаб этилган»⁴⁹. Шу боис, мақом жанри ўзбек мусиқа санъатида энг қийин жанрлардан ҳисобланади. Мақом асарларидағи ним пардалар, матнлар, ғазаллар, усуллар, авж пардалари ва ижро йўлларининг мураккаблиги катта билим, тажриба ва укув талаб қиласиди. Аммо, қобилият масаласига келадиган бўлсак, унинг устида ишлаш мумкин. Умуман мусиқа соҳасида қобилияти йўқ инсон ҳам, катта меҳнат ва истак натижасида маҳоратли ижрочига айланиши мумкин. Бундай мисолларни ҳаётда кўплаб учратишимииз мумкин. Айниқса, ўқувчилар ва талабалар ўртасида бундай ҳолатлар кўплаб кузатилади.

Эътибор қаратадиган бўлсак, ўзбек халқи ижодни севадиган, унга қизиқиши катта бўлган ва санъаткорларга ўзгача ҳурмат билан қарайдиган халқ ҳисобланади. Ҳаттоқи, ҳайдовчиларда ҳам истеъдод бордек туюлган ҳолатларга кўпчилик гувоҳ бўлган. Масалан, бегона ҳайдовчи билан йўлда кетаётганингизда, миллий мусиқа ёки мақом янграган вақтда машина рули устига уриб, усул бериб, хофиз билан биргалиқда ашулаларни куйлаш ҳолатларига кўпчилик гувоҳ бўлган. Бу қайсиdir маънода истеъдод бўлса, қайсиdir маънода асарларни кўп эшитиш, миллий маданиятнинг шаклланганлиги, хонадондаги муҳит натижасида вужудга келган. Айтмоқчимизки, мақом санъатини қобилияти йўқ инсон ижро эта олмайди деган фикрдан йирокдамиз. Ҳар бир натижа ҳаракат ва меҳнат устига қурилиши айни ҳақиқатдир. Ҳеч бир инсон у ёки бу соҳанинг мутахассиси бўлиб туғилмайди. Барчаси меҳнат эвазига эришилади. Ҳаётнинг асосий қоидаларидан бири ҳам айнан тўхтамаслик, ҳарактчанлик ва натижадорликдир.

Фикримизча, ҳақиқатдан ҳам ўзбек мусиқа санъатининг ривожланиши ёки тарқалиши бир киши билан боғлиқ бўлмайди. Бунда, устоз-шогирд анъаналари, авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиш каби жараёнлар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, И.Ганиева шундай ёзади: «муайян бир асарларнинг айнан эркин йўналишидаги намуналари юзага келиши ҳам воҳанинг характерли услубларининг маҳсулидир. Шу аснода амалиётда «Чоргоҳ», «Ушшоқ», «Танавор» ва бошқа асарларнинг эркин ижрота хос бўлган ёввойи намуналари юзага келган. Бу асарлар ижрочилик

⁴⁹ Муртозова С.Б. XIX аср охири - XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон мусиқа маданиятидаги трансформация жараёнлари: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси (07.00.01 -Ўзбекистон тарихи). – Тошкент: 2018. – Б.18.

амалиётида «Ёввойи Чоргоҳ», «Ёввойи Ушшоқ», «Ёввойи Танавор», ёки «Дайди Танавор» номлари билан машҳурдир»⁵⁰.

Шу билан бирга, ўзбек мусиқа санъатининг ўзига хос хусусиятлари ҳам айни мана шу жараёнларда ўзини намоён қиласди. Устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар фақатгина ўзбек халқида юксак даражага кўтарилиган, десак адашмаган бўламиз. Айнан шу анъаналар ҳам бизга тарихдан мерос бўлиб қолиб, бугунги ахборот асрида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўзбек ёш мусиқачилари ҳаттоқи ўтган аср ижрочиларини ҳам «устоз», «уста», «ҳофиз» дея эътироф этиб, уларга юксак хурмат келтирадилар.

Туркистон ҳудуди Шарқ мумтоз мусиқаси маданияти шаклланган ва ривож топган марказлардан бири ҳисобланади. Бироқ асрлар давомида ўзбек халқи маънавий меросининг асосига айланган миллий ва мумтоз мусиқа маданияти Россия империяси мустамлакачилиги ва собиқ Иттифоқ даврида маълум тазийикларни бошидан ўтказган. Шунингдек, Туркистон ўлқаси Россия империяси мустамлакасига айлантирилгач, мустамлакачилар ўлкада рус ва Европа мусиқа санъатини тарғиб этиш мақсадида европача мусиқа муассасаларини ташкил эта бошлидилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Лосев А.Ф. Музыка как предмет логики. – М.: 1990. – Б.195-392.
2. Турсунова Л. Ёшлар мусиқа маданиятини тадқиқ этишнинг долзарб вазифалари // Международный научный журнал № 11 (100), часть 2 «Новости образования: исследование в XXI веке». 2023. – Б. 657
3. Шопенгауэр А. Свобода воли и нравственность. – М.: Республика, 1992. – Б. 214.
4. Муртозова С.Б. XIX аср охири - XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон мусиқа маданиятидаги трансформация жараёнлари: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси (07.00.01 -Ўзбекистон тарихи). – Тошкент: 2018. – Б.18.
5. Ганиева И.А. Ўзбек мусиқасида Танавор» (Тарихий ва назарий муаммолар кесимида): Санъатшунослик номзоди илмий даражасини олиш

⁵⁰ Ганиева И.А. Ўзбек мусиқасида Танавор» (Тарихий ва назарий муаммолар кесимида): Санъатшунослик номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси (17.00.02 – Мусиқа санъати). –Тошкент: 2008. – Б. 17.

**“FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS
INTERDISCIPLINARY SCIENCES”**

ITALIA

учун тақдим этилган диссертацияси (17.00.02 – Мусиқа санъати). –Тошкент:
2008. – Б. 17.

